BIZNES DAILY

#102(3089)
26.12.2023

Экономическая газета

Биржа

www.biznes-daily.uz

Иқтисодий газетаси

“Экспорт уч қадамда” тизими — қулай, тежамкор ва хавфсиз

ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА 2

СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ? 3

РИЭЛТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ 6

ДУХОВНОСТЬ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВО – ВАЖНЕЙШИЕ ПРИОРИТЕТЫ ГОСУДАРСТВА 7

Бугунги кунда барча соҳаларда рақамли технологиялар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Божхона қўмитасида замонавий технология ва ёндашувлардан фойдаланилган ҳолда тадбиркорларга қулай имкониятлар яратилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Мухторов бу ҳақда батафсил ахборот берди.

Унинг таъкидлашича, божхона органларининг мақсади тадбиркорларга ёрдамчи ва уларнинг бизнес ҳамкори бўлишдан иборат. Бу борадаги ишлар натижасида, якунланаётган йилда давлат бюджетига божхона тўловларини ундириш ўтган йилга нисбатан 27 фоиз ўсган. Ҳозирда “хавфни бошқариш” тизими орқали экспортда 88 фоиз, импортда 78 фоиз товарлар соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилмоқда. Йил давомида сифатли назорат тизимини ўрнатиш ва иш самарадорлигини оширишга қаратилган 12 та ахборот тизими, 4 та интерактив хизмат, 5 та мобиль илова, 18 та ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Божхона постлари 2 475 та замонавий назорат-техника ва коммуникация воситалари билан жиҳозланди. Хавф даражаси паст бўлган 145 мингдан ортиқ экспорт божхона декларацияларини ахборот тизимлари ёрдамида инсон омилисиз ўртача 3-5 дақиқада расмийлаштиришга эришилди. Натижада, экспортда 86 фоиз декларациялар автоматик расмийлаштирилмоқда. Божхона расмийлаштируви маркази орқали декларациялаш 100 фоиз масофавий шаклга ўтказилди, бунда товарларнинг логистика занжиридаги ҳаракати тўлиқ назоратга олиниб, кетадиган вақт 2 баробарга қисқарди. Марказлаштирилган масофавий электрон декларациялаш постида 116 нафар божхона ходими томонидан тадбиркорлар билан бевосита мулоқоти чекланган ҳолда товарлар масофавий расмийлаштирилмоқда. Ушбу божхона постида республика бўйича расмийлаштирилаётган жами декларацияларнинг 50 фоизи (кунига 3 мингта) қамраб олинган. Товарлар расмийлаштирувида ягона ёндашувга эришиш орқали тадбиркорлар харажатини янада қисқартиришга эришилмоқда.

Божхона қўмитасининг энг сўнгги замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган “Call” маркази бир кунда 600 дан ортиқ мурожаатни куну тун қабул қилиш ва муаммоли ҳолатларни тезкор ҳал этишга хизмат қилмоқда. Охирлаб бораётган йилнинг 11 ойида расмийлаштирилган жами 1 млн. га яқин декларациянинг барчаси хавфларни бошқариш тизими орқали қайта ишланиб, хавф аниқланган 60 мингга яқин декларация бўйича бюджетга 80 млн. доллардан ортиқ эквивалентдаги қўшимча тўловлар ундирилган.

Таргетлаш ва хавфларни мониторинг қилиш бўйича ахборот тизимларининг Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларининг божхона хизматлари билан туну кун ўзаро тезкор маълумот алмашинуви йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, қўмита томонидан экспорт жараёнларини соддалаштиришга қаратилган “экспорт уч қадамда” тизими жорий қилинган. Унга қадар маҳсулотларни экспорт қилиш товарлар республикамиздан чиқиб кетгунга қадар 9 та босқичда амалга оширилган. Унинг самараси ўлароқ, республика бўйича тадбиркорларнинг 74-75 млрд. сўм маблағи тежалади, экспорт учун сарфланаётган вақт қисқаради, сохта экспорт операцияларининг олди олинади. Ўтиб бораётган йилнинг ўтган даврида “божхона ҳудудида қайта ишлаш” режимига жами 684 млн. долларга тенг товарлар жойлаштирилиб, 695 млн. долларлик товарлар экспорт қилинди. Ушбу режимдан фойдаланган тадбиркорлар сони 60 фоизга, қайта ишланган товарлар экспорти 2,2 баробарга ошган. Ҳудудларда олиб борилган тарғибот натижасида янги 85 та корхона томонидан 36 млн. долларга тенг товарлар мазкур режимга жойлаштирилган ҳамда қайта ишлаш натижасида 15 млн. долларлик товарлар экспорт қилинган.

Алоҳида қайд этилганидек, тегишли шароитларни тубдан яхшилаш мақсадида 4 та асосий чегара божхона постлари реконструкция қилинган. Қозоғистон билан чегарадаги асосий транспорт артерияларида жойлашган 3 та чегара назорат-ўтказиш пунктини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилган. Юқори трафик оқимига эга бўлган чегара ўтказиш пунктларининг сиғимини янада ошириш учун давлат-хусусий шериклик асосида Қозоғистон ва Қирғизистон давлат чегараларида йирик назорат пунктларига яқин жойларда замонавий терминаллари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Мазкур терминаллар омборхона, логистика ва бошқа турдаги хизматларни тақдим этади. Божхона расмийлаштируви тартиботларини терминалларга кўчириш орқали чегара пунктларининг ўтказувчанлик қобилияти 2 баробарга ошмоқда. Чегара божхона постларига 4 та сўнгги русумдаги Rapiscan “Z-Portal” инспекцион кўрик мажмуалари ўрнатилган. Олдинги қурилмалар соатига 20 тадан ортиқ бўлмаган автомобилларни текшириш имконини берган бўлса, ҳозир самарадорлик соатига 200 тагача ортган.

Чегарада тўловларни ягона ҳисоб-фактура асосида тўлаш (ҳар бир назорат органига алоҳида тўланадиган тўловлар бундан мустасно) тартибидан фойдаланилмоқда. Божхона қўмитаси дастурчилари томонидан амалдаги дастурий таъминотларни ишлаб чиқилиши натижасида 2,7 млн. доллар маблағ иқтисод қилинган.

Умуман, олиб борилган ишлар натижасида божхона расмийлаштируви вақти 4,5 баробарга қисқариб, божхона тешкирувлари сони 3 баробарга камайган. Товарларни сақлаш ва жараёнларни кутиш билан боғлиқ бўлган харажатлар 10 млн. долларга камайган, божхона тўловлари тушуми 3 баробарга кўпайиб, божхона тўловларини кечиктириб тўлаш ҳажми 4 баробарга ошган.

Қўмита мутасаддилари томонидан ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Замира ТОЖИЕВА.

Курс валют на 26.12.2023

USD	12347.63
EUR	13600.91
RUB	134.45
CNY	1730.40

#102(3089)
26.12.2023
BIZNES DAILY Биржа

Ҳудудий дастурлар ижроси доимий назоратда

Маълумки, Олий Мажлис Сенати кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ, Наманган ва Фарғона вилоятлари туман (шаҳар)ларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари самарали ижро этилишини таъминлаш бўйича "йўл хариталари" тасдиқланган.

Якунланаётган йилнинг декабрь ойи бошида ушбу масала парламент назорати доирасида ўрганилди. Унинг натижасига кўра, 1 декабрь ҳолати бўйича ушбу ҳудудларда зарур чора-тадбирлар амалга оширилиб, қатор натижаларга эришилган. Аммо, жойларда бўлганимизда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян камчиликлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар борлиги ҳам маълум бўлди.

Таҳлилларга кўра, айрим шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳалигача пастлигича қолмоқда. Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Наманган, Чортоқ ва Учқўрғон туманларида фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектлари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли равишда ошган. Фарғона вилоятида жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида 8 минг 700 га яқин якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил қилинган бўлса-да, уларнинг 30 фоизидан ортиғи фаолиятини тўхтатиб қўйган. Бу кўрсаткич, Қувасой шаҳрида 51 фоиз, Фарғона шаҳрида 41 фоиз, Ёзёвон туманида 45 фоиз, Олтиариқ туманида 49 фоиз, Фурқат туманида 40 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин. Бўш турган ер участкалари, бино ва иншоотларга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги оқибатида Фарғона вилоятида электрон онлайн аукцион савдосига чиқарилган 6 621 та ер участкасининг қарийб 90 фоизи зарур инфратузилманинг йўқлиги, аҳоли яшаш жойидан узоқлиги сабабли бугунги кунга қадар сотилмаган. Бундай объектларнинг Бешариқ туманида 95,5 фоизи, Олтиариқ туманида 97,3 фоизи, Риштон туманида 94,4 фоизи, Тошлоқ туманида 90,8 фоизи, Фарғона туманида 95,6 фоизи сотилмаган. Наманган вилоятининг Поп, Чортоқ, Янгиқўрғон, Учқўрғон ва Тўрақўрғон туманларида объектларнинг 50 фоизи, Чуст туманида эса атиги 28 фоизи аукцион савдоларида сотилган, холос.

Ҳудудий бандлик дастури ижросини таъминлашда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан айрим камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Фарғона вилояти микромарказлар тузиш билан боғлиқ масалалар ўз вақтида ҳал этилмаганлиги боис аҳоли бандлигини таъминлаш режаси Бешариқ, Фурқат ва Фарғона туманларида

40-50 фоизга бажарилган, холос. Наманган вилоятида эса қурилиш ва коммунал соҳада йиллик бандлик режасининг бажарилиши бўйича энг паст кўрсаткичлар Косонсой ва Мингбулоқ туманларида кузатилган. Солиқ қўмитаси томонидан нолегал равишда меҳнат фаолиятини олиб бораётган шахслар фаолиятини легаллаштириш ишлари Тошлоқ ва Фарғона туманларида етарлича ташкил қилинмаган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредит ресурсларининг ўзлаштирилиши Наманган вилоятининг Янги Наманган туманида 6 фоиз, Наманган шаҳрида 11 фоиз, Тўрақўрғон туманида 28 фоиз, Косонсой туманида 34 фоиз, Чуст туманида 41 фоизга ҳамда Чортоқ туманида 42 фоизга бажарилган, холос.

Корхоналарни экспорт фаолиятига жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам етарли эмас. Жумладан, экспортёр корхоналар сони ўтган йилга нисбатан Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида 11 тага, Марғилон шаҳрида 10 тага, Қўқон шаҳрида 6 тага, Данғара Тошлоқ ва Ўзбекистон туманларида 5 тага камайган. Шунингдек, ҳудудий экспорт прогнози кўрсаткичлари ижроси Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида 55 фоизга, Янгиқўрғон туманида 68 фоизга, Чуст туманида 74 фоизга ва Чортоқ туманида 75 фоизга таъминланган. Ҳудудларда республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлиги сабабли айрим лойиҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлиқ ўзлаштирилмасдан қолмоқда. Хусусан, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги "Қандиён ғишт" қўшма корхонасининг ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномасининг муддати тугаганлиги боис корхона томонидан пишган ғишт ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 2,4 млн. доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилмасдан қолмоқда. Фарғона вилояти бўйича ҳудудий инвестиция дастури доирасида 3 та лойиҳага кредит маблағларининг ажратилиши тармоқ жадвалидан ортда қолмоқда. Кичик саноат зонаси ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш, уларга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ҳам камчиликлар мавжуд. Фарғона вилоятининг Бувайда тумани ёшлар саноат зонасида бугунги кунга қадар лойиҳалар жойлаштирилмаган бўлса, Риштон, Сўх, Ўзбекистон ва Фарғона туманларида ёшлар саноат зоналарида жойлаштирилган лойиҳаларнинг биронтаси ишга туширилмаган. Наманган вилоятининг Поп туманидаги "Ҳазратибобо" кичик саноат зонаси зарур инфратузилма билан таъминланмаганлиги сабабли 26 та лойиҳа амалиётида қолоқлик кузатилмоқда.

Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси айрим ҳудудларда якунига етказилмаган. Жумладан, Олтиариқ туманида 14 та, Учқўприк туманида 12 та, Қува туманида 9 та, Риштон туманида 8 та, Фарғона туманида 8 та, Бувайда туманида 7 та ижтимоий соҳа объектларида янги иситиш қозонларини ўрнатиш ишлари якунланмаган. Наманган вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга берилган ижтимоий соҳа муассасаларида кўмир ёқилғиси захирасини яратиш режасини бажариш Учқўрғон (73 фоиз), Поп ва Чортоқ туманларида (79 фоиз) тугалланмаган. Наманган вилоятида кўмир ёқилғисига ўтказилиши режалаштирилган 111 та иссиқхонадан бор-йўғи 28 тасида, Фарғона вилоятида эса 44 тадан бор-йўғи 3 тасида бу иш амалга оширилган, холос.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ижросининг барқарорлигини таъминлаш, шу жумладан солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги қарздорлигини қисқартириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш борасида белгиланган вазифалар ижроси ҳам айрим ҳудудларда талаб даражасида эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан, Фарғона вилоятида жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида маҳаллий бюджет даромадлари ижроси прогнозга нисбатан 83 фоизга бажарилган. "Ташаббусли бюджет" жараёнларида ғолиб деб топилган лойиҳалар бўйича бугунги кунга қадар амалий ишлар бошланмаган ҳолатлар мавжуд. Хусусан, Наманган вилоятида "Ташаббусли бюджет" жараёнида ғолиб деб топилган Чуст тумани "Яккабулоқ" МФЙ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш, Косонсой туманидаги 6-сонли умумтаълим мактабини таъмирлаш, Поп туманидаги "Эски Тўда" МФЙга табиий газ қувурини янгилаш лойиҳалари бўйича ишлар бошланмаган. Фарғона вилоятида бюджет маблағларининг мақсадлилиги ва самарадорлиги юзасидан ўтказилган давлат молиявий назорат тадбирларида 83 та ҳолатда 18,5 млрд. сўмлик харажатлар "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда амалга оширилганлиги аниқланган.

Умуман, ўрганишлар натижасида кузатилган барча камчилик ва муаммолар таҳлил қилинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга, вилоят ҳокимликларига тақдим этилди. Парламент назорати якуни яқинда Сенатнинг қирқ саккизинчи ялпи мажлисида атрофлича муҳокамадан ўтказилиб, республика даражасида ҳал этиладиган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича келгусида кўрилиши лозим бўлган чоралар юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг фикрлари эшитилди. Ўз навбатида, сенаторлар томонидан назорат давом эттирилиши ва услубий ёрдам кўрсатилишига келишиб олинди.

Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

Тадбиркорнинг ортиқча вақт ва маблағ йўқотишига барҳам берилади

Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Бу борада яратилаётган шароитлар туфайли ишбилармонлар кўпайиб бормоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Экспортда ҳам уларнинг ўрни йил сайин ортмоқда. Бу борада қонунчиликда ҳам муҳим ўзгаришлар қилинмоқда. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиши ва кенгайтириши учун муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорларга айрим давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, соддалаштирилмагани ёки тўлиқ рақамлаштирилмагани ортиқча вақт, маблағ ҳамда давлат ресурсларининг сарфланишига сабаб бўлаётганини ҳам айтиш жоиз. Бу эса айрим қонун ҳужжатларини тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юкини камайтириш, улар фаолиятига давлат аралашувини қисқартириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича мавжуд чекловларни олиб ташлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдаги айрим мажбурий талабларни қисқартириш зарурияти ҳам юзага келмоқда.

Парламент юқори палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани биан аҳамиятлидир.

Мазкур қонун билан Солиқ кодекси, "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларга бир қатор ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилган.

Хусусан, эндиликда солиқ тўловчиларга солиқ органларининг сайёр текширувлари ва аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Амалдаги тартибга кўра, қабул қилинган қарорлар устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи фақат юқори турувчи солиқ органига шикоят қилинганидан кейингина мумкин, холос. Ушбу норма тадбиркорларнинг ортиқча вақт йўқотиши, бюроктратик тўсиқларга учраши ва сарсон-саргардон бўлишига олиб келмоқда. Янги тартибнинг жорий этилиши билан бу каби ҳолатлар бартараф этилади.

Шунингдек, "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар нормаларида тадбиркорларга устав фондини шакиллантиришга оид енгилликлар белгиланмоқда. Жумладан, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг устав фонди (капитали)ни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганда кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақида эълон бериш талаби мавжуд. Мазкур талаб тадбиркорларга нисбатан турли қийинчиликларни, ортиқча сарф-харажатларни вужудга келтирмоқда. Шу боис қонун билан ушбу амалиёт бекор қилинмоқда.

Умуман, қонунчиликдаги бу каби янги нормалар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди ҳамда уларни ортиқча харажатлар ва мажбуриятларни юклайдиган бюрократик тартиб-таомиллардан холи бўлишига хизмат қилади.

Қобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Солиқларни тўлаш мамлакат тараққиётига қандай таъсир қилади?

Иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири — яширин иқтисодиётдир. Яширин иқтисодиёт моҳиятига кўра, фуқароларнинг солиқларни тўлашдан бўйин товлаши, шу сабабли давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг заифлашиши натижасидир.

Умуман, яширин иқтисодиёт жамият ва давлатга рақобат муҳитининг бузилиши, маҳсулот сифати ва миқдорининг пасайиши, давлат бюджетига солиқ тушумларининг қисқариши, иқтисодий ўсишнинг секинлашиши каби салбий таъсирларни кўрсатади. Буни яққол кўрсатиш учун 10 кишилик умумий столни тасаввур қилсак, юқори сифатли дастурхон ёзилиши ҳар бир кишидан 100 минг сўм маблағни талаб қилади. Аммо 10 кишидан фақат 5 нафаригина пул ажратса, дастурхон 500 минг сўм қийматга эга бўлган неъматлар билан ёзилади. Натижада, дастурхондаги таомлар сифати ва миқдори кутилганидан паст бўлади. Гуруҳдагилардан ярмининг тўловдан бўйин товлаши сифатсиз маҳсулотлар олинишига олиб келади. Бу эса табиийки, тўлаганлар томонидан салбий қабул қилинади. Худди шундай ҳолат солиқлар билан ҳам содир бўлади. Агар фуқароларнинг бир қисми солиқ тўламаса ва давлатдан хизматларни олишда давом этса, доимий равишда солиқ тўлайдиганлар бундан азият чекади ва хизматларнинг умумий сифати кутилганидан паст бўлади. Шунинг учун солиқ тўлаш фуқаронинг ҳуқуқи эмас, балки бурчи ҳисобланади. Яширин иқтисодиётни қисқартиришни фуқароларнинг ихтиёрий равишда соядан чиқиши ва солиқларни тўлашисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Халқаро тажрибани кўрадиган бўлсак, бугунги кунда дунёда яширин иқтисодиёт даражаси турли мамлакатларда турлича. Мисол учун, Японияда яширин иқтисодиётнинг улуши анча кам — 8,1 фоиз. Таққослаш учун, АҚШда ушбу кўрсаткич — 8 фоиз, Сингапурда — 8,6 фоиз, Австрияда — 9 фоиз, Буюк Британияда — 9,6 фоиз, Германияда — 10,2 фоиз, Канадада — 11 фоиз, Хитойда — 14,5 фоиз, Корея Республикасида — 18,4 фоиз, Португалияда — 18,5 фоиз, Италияда — 19,5 фоиз, Испанияда — 21,7 фоиз ва Бразилияда — 36,5 фоиздан иборат. Масалан, Японияда барча жисмоний шахслар: ушбу мамлакат фуқаролари ҳам, мақоми бўйича резидентларга тенглаштирилган шахсларга ҳам тегишли. Солиқлар фуқаролар учун интизомий омил сифатида жуда муҳим роль ўйнайди. Солиқ тўловчилар ўз тўлов мажбуриятига жуда жиддий ёндашади. Чунки, буни улар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ўзининг шахсий ҳиссасини қўшиши, деб тушунади. Бундан ташқари, Японияда бюджет даромадларини тақсимлашнинг етарлича шаффоф тизими мавжуд бўлиб, фуқаролар давлат аҳолидан тўпланган маблағлардан қандай фойдаланаётганининг амалий натижаларини бевосита кўриши мумкин. МДҲ мамлакатларида яширин иқтисодиётнинг улушига тўхталсак. Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, 2019 йилда МДҲ давлатлари орасида яширин иқтисодиётнинг энг юқори улуши Украина (қарийб 45 фоиз), Беларусь (44,5 фоиз) ва Тожикистон (43 фоиз)да қайд этилган. Қозоғистон, Россия ва Қирғизистонда яширин секторнинг улуши 38 фоиз атрофида бўлган.

Бугунги кунда мамлакатимизда яширин иқтисодиётнинг улуши, турли ҳисоб-китобларга кўра, 40 фоиздан 60 фоизгачани ташкил этади. Стратегик ривожланиш агентлиги маълумотларига кўра, 2022 йилда юртимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида яширин иқтисодиётнинг улуши 48 фоиздан 62 фоизгача бўлган. Шу билан бир қаторда, 2023 йил октябрь ойида ЎзЛиДэП Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт улуши 40 фоизни ташкил этишини маълум қилди. Уй-жой ва транспорт воситаларининг иккиламчи бозори, норасмий савдо, хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳалар мамлакатда яширин иқтисодиёт ривожланишининг асосий омиллари ҳисобланади. 2022 йилда республикамизда иқтисодий фаол аҳоли сони қарийб 15 миллион кишини ташкил этгани ҳам эътиборга молик. Уларнинг 9 миллионга яқини норасмий секторда банд бўлган. Институтимиз ҳисоб-китобларига кўра, норасмий сектордаги иш ҳақи расмий иш ҳақига тенг бўлган тақдирда, 2022 йилда давлат бюджети солиқ тушумларидан 32,9 триллион сўм олмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўтган йилларда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш мақсадида мамлакатимизда бизнес юритиш шартларини соддалаштириш ва рақамли ечимлардан фойдаланишни фаоллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Кўрилган чора-тадбирлар юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкасини 2017 йилдаги 5 фоиздан 2022 йилда 1,5 фоизга камайтириш, шунингдек, амалдаги солиқ турларини 13 тадан 9 тага ва солиқ текширувларини 13 тадан 3 тага камайтиришни ўз ичига олади. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги ошди ва рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони 2017 йилдаги 229,6 мингтадан 2022 йилда 555,9 мингтага етди, яъни 2,4 баробар ўсди. Бозор иштирокчиларининг тадбиркор сифатида расман рўйхатдан ўтишини рағбатлантириш ва драйвер сифатида электрон тижоратни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилиши ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2017 йилдаги 0,004 фоиздан 2022 йилда 1,2 фоизга ошириш имконини берди. Барча чоралар натижасида Ўзбекистон иқтисодий эркинлик индексида хусусан, "солиқ юки" субиндексидаги ўз ўрнини яхшилади, индекс 2017 йилдаги 90,7 дан 2023 йилда 92,8 га ошди (юқори кўрсаткич яхшироқ) ва "фискал саломатлик" субиндексида — 99,8 дан 85,3 гача тушди (пастроқ кўрсаткич яхшироқ).

Таъкидлаш жоизки, солиқ тўлаш нафақат давлат, балки фуқароларнинг ўзлари учун ҳам фойдали. Бу ҳолат бир неча сабабларга кўра юзага келади. Солиқлар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, хавфсизлик ва инфратузилма каби турли давлат дастурлари ва хизматларини молиялаштиради. Солиқлар, шунингдек, иқтисодиётнинг айрим соҳаларини субсидиялаш орқали ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар нархини паст даражада ушлаб туришда ёрдам беради. Солиқларни тўлаш, шунингдек, иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган инфратузилма лойиҳалари, тадқиқот, инновациялар ва бошқа тадбирларни молиялаштиради. Бу иш ўринларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва умуман иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилади. Солиқлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, армия ва фуқароларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминловчи бошқа муассасаларни молиялаштиради. Улар тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда кўмак беради. Солиқлар пенсиялар, ишсизлик нафақалари ва камбағалларга ёрдам каби ижтимоий дастурларни молиялаштиради. Бу кўпроқ ҳимояга муҳтож бўлганларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш деганидир. Умуман олганда, солиқларни тўлаш давлат фаолиятининг зарур таркибий қисми бўлиб, фуқароларга жамият бойликларидан фойдаланиш, даромадларни адолатли тақсимлаш, иқтисодий ўсиш, ҳуқуқ ва хавфсизликни ҳимоя қилиш, шунингдек, ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби кўплаб имтиёзларни беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётида яширин сектор улушини янада камайтириш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий равишда солиқ тўлашини рағбатлантирувчи омиллардан бири одамлар ўз бадалларидан оқилона фойдаланилаётганига, солиқ тизими адолатли эканлигига ишонч ҳосил қилишлари учун шаффоф муҳитни таъминлашдан иборат. Аҳоли солиқ тушумларидан давлат хизматлари, инфратузилма, ижтимоий дастур ва жамиятни ривожлантиришни молиялаштириш учун қандай фойдаланилиши ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Фуқароларга бюджет билан ўзаро алоқада бўлиш, маблағларнинг тақсимланиши ва турли бюджет қарорларининг таъсирини ўрганиш ҳамда давлат харажатлари бўйича мунтазам равишда батафсил ҳисоботларни олиш имконини берувчи онлайн восита ёки платформаларни яратиш муҳим. Аҳолини солиқлар аҳамияти, уларнинг жамият фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари тўғрисида хабардор қилишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш зарур. Бундан ташқари, нотариал идоралар томонидан, хусусан, автомобиллар ва кўчмас мулк олди-сотдиси соҳасидаги ноқонуний савдо операциялари сонини камайтириш даркор. Шартномалар тузиш жараёнида "Нотариус" автоматлаштирилган ягона ахборот тизимининг жорий солиқ тўловчилар маълумотлар базаси билан интеграциялашуви ҳамда сотувчи ва олувчининг йиллик жами даромадлари тўғрисидаги декларация мавжудлигини текшириш, даромадлар ва солиқ тўловлари ўртасида номувофиқлик юзага келган тақдирда, солиқ идорасидан йиллик жами даромадлар тўғрисидаги декларацияни (солиқ қонунчилигига мувофиқлиги тўғрисидаги гувоҳнома) тақдим этишни талаб қилиш, муддати ўтган ва тўланмаган солиқлар аниқланган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ амнициясини қўллаш (солиқларни имтиёзли ставка бўйича ва 6 ойга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти) катта аҳамиятга эга.

Антон КОСТЮЧЕНКО,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари.
Одилжон НАЗАРОВ,
Абдусаттор АБДУМЎМИНОВ,
институт етакчи илмий ходимлари.

Инсофсиз рақобатнинг олдини олиш — долзарб масала

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига тушадиган мурожаатлар бир неча йўналишни қамраб олади.

Хусусан, якунланаётган йилнинг 11 ойи давомида қўмитага инсофсиз рақобат ҳолатлари бўйича 300 га яқин мурожаат юборилган. Қўмита ахборот хизмати раҳбари Отабек Усмоновнинг маълум қилишича, ушбу мурожаатлар "Рақобат тўғрисида"ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 225-сонли қарори билан тасдиқланган "Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан ўрганилган. Барча мурожаатлар юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида 100 нафарга яқин тадбиркорнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминланган. Мурожаатлар бўйича 86 та ажрим чиқарилган, жумладан, қонунбузилиш аломатлари бўйича 62 та иш қўзғатилган ва белгиланган тартибда кўриб чиқилган. Қонунбузилиш аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли 24 та ишни қўзғатиш рад этилган. Мурожаатларнинг 126 тасини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун зарур маълумот ва ҳужжатлар етишмаслиги боис ариза эгаларига қонунчилик талаблари тўғрисида тушунтиришлар берилган. Аризаларнинг 3 таси апелляция тартибида тушган, шундан 2 таси кўриб чиқилган ва апелляция талаби қаноатлантирилган, 1 таси юзасидан ҳозирда иш давом этмоқда. Шунингдек, 3 та мурожаат бўйича ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда. Қўзғатилган 62 та ишнинг 42 тасида қонунбузилиши ҳолати эътироф этилган ва уларни бартараф қилиш тўғрисида 40 та кўрсатма берилган. 13 та иш қонунбузилиш ҳолати ўз исботини топмаганлиги сабабли иш юритувидан тугатилган, 7 та ишни кўриб чиқиш қўшимча маълумотлар олиш зарурияти туфайли кечиктирилган ёки тўхтатиб турилган.

Мисол учун, "Iplus" МЧЖ (провайдер Comnet) ва "Flink" МЧЖ (провайдер Free Link) интернет провайдер сифатида бир товар бозорида, яъни абонентларни интернет тармоғига улаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритади. "Iplus" МЧЖ қўмитага мурожаат қилиб, "Flink" МЧЖга нисбатан чора кўрилишини, у "Iplus" МЧЖнинг ишчанлик обрўсига путур етказиб, абонентлар ўртасида асоссиз маълумотлар тарқатганидан норози бўлиб шикоят қилган. Ишни кўриб чиқиш жараёнида қилинган мурожаат тасдиқловчи материаллари билан ўз исботини топган. Ўрганишлар натижасида "Flink" МЧЖга нисбатан белгиланган тартибда иш қўзғатилган. Махсус комиссия томонидан "Flink" МЧЖ "Рақобат тўғрисида"ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ, рақобатчи хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳолатни содир этган деб топилган. Ушбу корхонага қонун бузилиш ҳолатини бартараф этиш ҳамда келгусида бундай камчиликка йўл қўймаслик тўғрисида кўрсатма берилган. Ўз навбатида, мазкур МЧЖ кўрсатма талаблари ижросини таъминлаб, компания ходимлари билан тушунтириш ишлари ўтказилгани, ташвиқот ишлари шартнома шартига зид бўлмаган ҳолда амалга оширилиши, тартибни бузган ходимга нисбатан тегишли чора қўлланилганлиги юзасидан қўмитага маълумот тақдим этган.

Шунингдек, қўмита махсус комиссиясининг 2023 йилдаги тегишли қарорига кўра "Sunrise international trade" МЧЖ ва "Dubai cars" МЧЖ ўз фаолиятида "Рақобат тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддалари талабларини бузган деб топилган. Уларга ҳам тегишли кўрсатма берилган. Аммо, МЧЖлар томонидан бир неча бор қўмита талаблари бажарилмагани ва бу бошқа бир тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқларини бузаётгани сабабли ушбу корхона раҳбарига маъмурий баённома расмийлаштириш учун ИИВнинг Тошкент шаҳар ва Сирдарё вилояти бошқармаларига мурожаат киритилган.

BIZNES DAILY

Биржа

#102(3089) 26.12.2023

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 18 декабрь кунги чиқарган 4-1501-2302/9113-сонли ажримига асосан **"Agro sifat logistik" МЧЖ** (СТИР 304652182)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб кузатув жорий этилган. Муваққат бошқарувчи этиб 2-тоифали суд тугатиш бошқарувчиси Собиров Абдухалим Абдукаримович тайинланган.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2024 йил 12 январь куни соат 15.00 да Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний 63-уй биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Муваққат бошқарувчисини ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Кузатув жараёни иш режасини тасдиқлаш.
4. Кузатув жараёни натижасига кўра тўловга қобилиятсизликни кейинги таомилини белгилаш.

Йиғилишга қатнашадиган кредитор вакили шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда ҳақдорликни тасдиқловчи солиштирма далолатнома билан қатнашиши шарт.

Мазкур иш 2024 йил 19 январь куни соат 10.00 да Фарғона туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинланган.

Мурожаат учун манзил: индекс 100150. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Хиёбон кўчаси, 198-уй, телефон: 90-407-25-71.

Фориш туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 13 декабрдаги ҳал қилув қарорлари билан Фориш туманидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар "Aliakbar Javohir hamkor" ХК (СТИР 306325610) 4-1305-2301/539, "Bobur gold star" МЧЖ (СТИР 306708821) 4-1305-2301/540, "Karomat baraka fayz" ХК (СТИР 303010530) 4-1305-2301/541, "Shamsiddin asl chorvolari" ХК (СТИР 304619174) 4-1305-2301/542, "Jizzax maxsus gaz-suv" МЧЖ (СТИР 303211225) 4-1305-2301/543-лар тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш бошқарувчи этиб Тўраев Ботир Бултакович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 18.01.2024 йилда соат 11.00 да Фориш тумани солиқ инспекцияси биносида ва Жиззах вилояти солиқ бошқармаси биносида ўтказилади. Мурожаат учун тел.: 99-148-80-83. Ушбу хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчакли штамплари бир ой ичида тугатиш (суд) бошқарувчига топширилмаган тақдирда бекор ҳисобланади.

---

1. Қўқон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 15 декабрь кунги ҳал қилув қарорларига асосан 4-1502-2302/2642-сон билан "Davr Building" ХК, 4-1502-2302/2643-сон билан "Alpina Best" МЧЖ, 4-1502-2302/2644-сон билан "Golden Rich 009" ХК.

2. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 15 декабрь кунги ҳал қилув қарорларига асосан 4-1501-2301/8346-сон билан "Islam Oil" МЧЖ, 4-1501-2301/8347-сон билан "Xalol Fayz Brok" МЧЖ, 4-1501-2301/8348-сон билан "Proglobal Maks" МЧЖ, 4-1501-2301/8349-сон билан "Grand Farg'ona AAA" МЧЖлар тўловга қобилиятсиз деб топилиб, соддалаштирилган тартибда тугатишга доир иш юритиш жорий этилган. Суд бошқарувчиси этиб Нурматов Садулла Абдуллаевич тайинланди. Кредиторлар йиғилиши 2024 йил 29 январь куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, Саид Аҳмад кўчаси, 48-а уйда ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Суд бошқарувчиси ҳисоботи.
2. Кредиторлар талаблари реестри.
3. Суд бошқарувчисининг календар иш режаси.
4. Бошқа масалалар.

Юқоридаги қарздорларнинг муҳр, тўртбурчак штампи, Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги таъсиси ҳужжатларини асл нусхалари тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тақдим этилмаган тақдирда, бекор қилинган деб ҳисобланади. Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб фақат биринчи марта тўловга қобилиятсизлиги ҳақида эълон берилганлар учун бир ой муддат ичида қабул қилинади. Йиғилишларга кредитор ўзининг шахсини ва ҳақдорлигини тасдиқловчи ҳужжат (солиштирма далолатнома) ёки унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома билан қатнашиши лозим. **Мурожаат учун манзил:** Фарғона шаҳри, Янги Аср кўчаси, 134-уй, 10-хонадон.

Телефон: 99-991-26-75, 90-775-80-02.

Қумқўрғон туманлараро иқтисодиёт судининг 2023 йил 15 декабрдаги тегишли ҳал қилув қарорларига мувофиқ, 30 та (рўйхат асосида) фермер хўжаликлари ҳамда хусусий корхона ва МЧЖларига нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартибда иш юритуви бошланган ва суд бошқарувчи этиб М.Сапаров тайинланган.

1	"Zayniddin Zoiroich" фермер хўжалиги	304415832	4-1904-2302/3464
2	"Fayz Qumqo'rgon" хусусий корхонаси	306950261	4-1904-2302/3465
3	"Qumqo"rgon fruit trade" МЧЖ	203586481	4-1904-2302/3466
4	"Botir nur fayz bog" фермер хўжалиги	308566247	4-1904-2302/3467
5	"Dilfarab" фермер хўжалиги	305842182	4-1904-2302/3468
6	"Diyorbek Eshmo'minovich" фермер хўжалиги	304485564	4-1904-2302/3469
7	"Bobotog yoshlari" И/Ч корхонаси	307295847	4-1904-2302/3470
8	"Muxiddinbek Yusuf" фермер хўжалиги	304916066	4-1904-2302/3471
9	"Ominaxon Odinabonu servis" МЧЖ	305118164	4-1904-2302/3472
10	"Janub kelajak bogboni" фермер хўжалиги	302312020	4-1904-2302/3473
11	"Boboyev Izzatullo" фермер хўжалиги	300555495	4-1904-2302/3474
12	"Dilshod paxtakori" фермер хўжалиги	304520781	4-1904-2302/3501
13	"Sharafli gallakor" фермер хўжалиги	304571957	4-1904-2302/3502
14	"Кўхтанг тоғ" фермер хўжалиги	205501578	4-1904-2302/3503
15	"Istara oltin tola" фермер хўжалиги	302273394	4-1904-2302/3504
16	"Boburbek-Ilg'or" фермер хўжалиги	303693229	4-1904-2302/3505
17	"Janub uchar lochini" фермер хўжалиги	303818212	4-1904-2302/3506
18	"Ziyo-nur-istara" фермер хўжалиги	302577751	4-1904-2302/3507
19	"Navro'z kelajagi" фермер хўжалиги	303168452	4-1904-2302/3508
20	"Almat chashmasi" фермер хўжалиги	303587382	4-1904-2302/3509
21	"Gilambob beshchinori" фермер хўжалиги	303222433	4-1904-2302/3510
22	"Saroy" фермер хўжалиги	201833817	4-1904-2302/3511
23	"Oytosh olmosi" фермер хўжалиги	304179794	4-1904-2302/3512
24	"Asliya Amanova" фермер хўжалиги	303618975	4-1904-2302/3513
25	"Sherzod G'ofurov" фермер хўжалиги	204258611	4-1904-2302/3514
26	"Baxt bek paxtakori" фермер хўжалиги	303693379	4-1904-2302/3515
27	"Bo'ston hur zamini" фермер хўжалиги	303943841	4-1904-2302/3516
28	"Xojayorov qulmat" фермер хўжалиги	303680782	4-1904-2302/3517
29	"Asqar-Ali-zamini" фермер хўжалиги	303716506	4-1904-2302/3518
30	"Istara diyori" фермер хўжалиги	302924295	4-1904-2302/3519

Мазкур корхона раҳбарлари ва таъсисчилари корхоналарнинг муҳр ва тамғаларини 5 кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширмаган ҳолда бекор қилинган ҳисобланади ва заруратга қараб дубликат ясатиб олинади. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади ва кредиторлар йиғилиши 2024 йил 14-15 февраль кунлари Термиз шаҳри, М.Қашқарий 36-а уй биносида ўтказилади. **Мурожаат учун тел.:** 97-227-45-59

"Тошкент вилояти Дори-Дармон" АЖнинг 18.12.2023 йилдаги 447а/01-сонли хатига асосан "Banyan" МЧЖ томонидан "Биржа" газетасининг 09.05.2023 йил 34(3021)-сонида берилган эълондаги 2023 йил 20 декабрь соат 11.00 га белгиланган такрорий савдо куни 2023 йил 29 декабрь соат 11.00 га кўчирилганлиги ҳақида маълум қилинади.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорлари билан қуйидаги корхоналар банкрот деб эълон қилинганлиги ва ушбу корхоналарга тугатиш бошқарувчиси этиб Мамаков Икромжон Артикович тайинланган.

Кредиторларнинг йиғилиши 2024 йил 1 февраль куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй, 303-хонада ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Т/р	СТИР	Корхона номи	Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорининг		Манзили
			санаси	рақами	
1	302593868	"Best salt" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66658	Олмазор тумани, Уста ширин 1-тор кўчаси, 254-уй
2	306408024	"Edel technics" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66660	Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4-мавзеси, А.Юнусова 3-тор кўчаси, 7д-уй
3	304999810	"Exclusive progress stroy" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66661	Олмазор тумани, Уста ширин кўчаси, 326-уй
4	305271300	"Inside logistic" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66663	Олмазор тумани, Тансиқбоев-4, 5-уй, 24-хона
5	306928500	"Inter-terminal service" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66663	Олмазор тумани, З.Бобохонов кўчаси, 23-уй
6	302448509	"Tarihi-yuksak" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66665	Олмазор тумани, А.Каримов кўчаси, 21-уй
7	307485357	"Taurus tyres" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66666	Олмазор тумани, Мойқўрғон кўчаси, 186-уй
8	307484080	"Textilsanoatexim" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66667	Олмазор тумани, Чуқурсой кўчаси, 41/60-уй
9	305069241	"Bahar color" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66657	Олмазор тумани, Уста ширин кўчаси, 116-уй
10	305824085	"Elit sebzor food" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66656	Олмазор тумани, Себзор даҳаси, марказ-17/18
11	303010135	"Sifat montaj avtomatika" МЧЖ	11.12.2023	4-1001-2302/66655	Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4-даҳаси, 36-уй, 51-хона

Ушбу корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари 10 кун ичида топширилмаган тақдирда бекор қилинади.

Кредиторларни қайд этиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, йиғилиш бошланишидан 5 дақиқа олдин тўхтатилади.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан йиғилиш давомида таништириб борилади.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ушбу йиғилишга кредиторлар ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан ёки унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома ҳамда кредиторлик қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан қатнашишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: 93-253-54-22.

"O'zenergota'minlash" акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

"O'zenergota'minlash" акциядорлик жамияти 2024 йил 17 январь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3-манзилида жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш вақти соат 9.00 дан 9.50 га қадар амалга оширилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. "O'zenergota'minlash" акциядорлик жамиятини "Issiqlik elektr stansiyalari" акциядорлик жамиятига қўшиб олиш йўли билан жамиятни қайта ташкил этиш.
4. Қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаш.
5. Топшириш далолатномасини тасдиқлаш.
6. Акциядорларнинг талабномаси асосида акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиш жараёнида "O'zenergota'minlash" акциядорлик жамиятининг 1 *(бир)* дона имтиёзли акцияларининг қийматини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестрларини шакллантириш саналари:

– акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 21 декабрь 2023 йил;

– акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 11 январь 2024 йил.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборотлар *(материаллар)* бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3-манзили бўйича мурожат қилиниши мумкин.

Жамият акциядорларида овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ жамият акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акцияларни сотиб олиш нархи 3 125,00 сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг акцияларини сотиб олиш нархи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини маълум қиламиз. **Телефон:** 55-501-30-30.

Жамият электрон почта манзили: info@uzet.uz

Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Пахтакор, Дўстлик, Арнасой туманларидаги қуйидаги юридик шахслар соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш суд бошқарувчи этиб Комилов Хусан тайинланган.

"Daladagi g`allakor" ФХ (СТИР 307263070), "Xikmatillo paxtasi" ФХ (СТИР 309496452), "Ostona yangisi" ФХ (СТИР 309689987), "Sidqu-sadoqat" ФХ (СТИР 304653814), "Sherzodbek-Javoxir" ФХ (СТИР 306252609), "Saloxiddin Zuxriddin" ФХ (СТИР 304607434), "Betakror himoya" ФХ (СТИР 304560574), "Oybosh Tojiboy" ФХ (СТИР 302505491), "Shodiyor-yangi avlod" МЧЖ (СТИР 308492830), "Parranda mo`jizasi" МЧЖ (СТИР 305873739), "Nakurt avto-service" МЧЖ (СТИР 308586357), "Bukanov Oybek Chorvasi" МЧЖ (СТИР 305332231), "Javohirbek Ozodbek honey" МЧЖ (СТИР 307267144), "Маргузар Куштол" ФХ (СТИР 203968045), "Mo`min Mirzo savdo" ФХ (СТИР 305771540), "Elbek dalasi" ФХ (СТИР 304750544), "Azim nurli daryo" ФХ (СТИР 303738945), "Sarabekning orzusi" ФХ (СТИР 303712109), "Barkamol Arnasoy" ФХ (СТИР 301507617), "Akbar o`g`li Nurbek" ФХ (СТИР 203745774), "Pangat Lochini" ФХ (СТИР 303678404), "Iqtisodchi Asrorbek" ФХ (СТИР 305257664), "Yangibo`ston Qaxramoni" ФХ (СТИР 303661473). Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 05.02.2024 йилда соат 10.00 да Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси биносида ўтказилади. Мурожаат учун тел.: 99-046-88-87. Ушбу юридик шахсларга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғалари эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида тугатиш суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади ҳамда бекор қилинади.

Кредиторлар диққатига!

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 15 июлдаги 4-1001-2127/16641-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Dars teks” тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатиш суд бошқарувчиси этиб Д.Джулматова тайинланган. Суднинг 2023 йил 27 июлдаги 4-1001-2127/16641-сонли ажримига асосан Д.Джулматова ўрнига У.Санжаров тайинланган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 15.11.2023 йилдаги 4-1001-2302/62387-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Toshkent sahro trans” МЧЖ, судининг 2023 йил 30 июлдаги 4-1001-2317/67059 дан 67068 гача тегишли хал қилув қарорларига асосан Тошкент шахридаги “Muhammad shedevr mebel”, “Nerox trade”, “Politelen elit group”, “Ravshan baraka omad biznes”, “Sifat aftomat sistem”, “Smart trust holding”, “Uniteks Narziya Company”, “Bitsimplekx”, “Black Sektor”, “Builder Visionary” суднинг 04.12.2023 йилдаги 4-1001/2329/68870 дан 68872 гача тегишли ҳал қилув қарорларига асосан “Tohir va Malika” ХК, “Akrom Ikrom Biznes”, “Stone-trade” МЧЖлар, Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 ноябрдаги 4-1101-2301/9494 дан 9498 гача “Muruvvat Aziz”, “Teks art”, “Exclive agro food”, “Shirin xayot kohonfsi”, “Bo`z suv yuaksak trans” судининг 2023 йил 30 ноябрдаги 4-1101-2301/9678 дан 9689 гача тегишли ҳал қилув қарорларига асосан “Diyor Sanjar fayz”, “Bek burger invest”, “Favourite building group”, “Tosh gold”, “Shovkat ota qizi-Sanobar”, уй-жой мулкдорлари ширкатини “Streetfood-7070”, “Texhizmat servis MTP”, “Stonemega”, “Agrospektr”, “Xytrade”, “Megaomad fayz”, “Xoshimxon ota omad”, “Grandmedia kredit”, “Chig’atoy nur fayz biznes”, “Alliyans-ld” оилавий корхонасини “Idealauto”, “Holidainkom”, “Universal qurilish baraka”, “Nizomiddin agro business” ФХ, “Ma’mur al-Botir” МЧЖлар тўловга қобилиятсиз корхонанинг муҳр ва тўртбурчак тамғалари корхона раҳбари ва таъсисчилари томонидан қонунда белгиланган 3 кунлик муддат ичида суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади ҳамда бекор қилинади.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 11.12.2023 йилдаги 4-1001-2329/72063-сонли ажримига асосан “Mega investment plus mikrokredit tashkiloti” МЧЖ тўловга қобилиятсизликни “Кузатув” таомили жорий этилган ва муваққат бошқарувчиси этиб Санжаров Улуғбек Хасанович тайинланган. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 30.01.2024 йил куни соат 14.00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонада ўтказилади.

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 05.12.2023 йилдаги 4-1105-2301/2545, 4-1105-2301/2579-сонли ҳал қилув қарорларига асосан “Parkent Green Way” ва “Kenes” МЧЖларга умумий тартибда тўловга қобилиятсизлик деб топилган ва У.Санжаровни тугатиш суд бошқарувчиси этиб тайинланган. Жамиятларнинг муҳр ва тўртбурчак тамғалари корхона раҳбари ва таъсисчилари томонидан қонунда белгиланган 3 кунлик муддат ичида суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади ҳамда бекор қилинади. Қарздорга нисбатан барча даъволарни эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида суд бошқарувчиси томонидан қабул қилинади. Тўловга қобилиятсиз корхоналарни молия-хўжалик фаолиятини аудит кўригидан ўтказиш учун аудиторлик идоралари ўртасида тендер танлови эълон қилинади. Танловда қатнашувчилар суд бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида ўз таклифлари билан мурожаат этишлари мумкин. Қарздорга нисбатан барча даъволарни эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонада қабул қилинади.

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 22.10.2021 йилдаги 4-1304-2101/1469-сонли ҳал қилув қарори билан Жиззах шаҳридаги **“Gorodok Izumrud” МЧЖ** (СТИР 305936856) тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб И.Ўроқбоев тайинланган.

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 23.08.2023 йилдаги 4-1304-2101/1469-сонли ажрими билан И.Ўроқбоев озод этилиб, тугатиш бошқарувчиси этиб С.Норқулов тайинланган. 1.11.2023 йилдаги 4-1304-2101/1469-сонли ажрими билан тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бекор қилиниб, тўловга қобилиятсизликнинг умумий таомилига ўтказилди ва тугатиш бошқарувчиси С.Норқулов озод этилиб, тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.Пирматов тайинланган. 19.12.2023 йилдаги 4-1304-2101/1469-сонли ажрими билан Ф.Пирматов озод этилиб тугатиш бошқарувчиси этиб А.Қўйсинов тайинланган.

Барча талабгорлар 99-429-19-37 телефон рақамига мурожаат қилишлари мумкин.

Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 5 сентябрдаги 4-1102-2302/2871-сонли ҳал қилув қарорига кўра **“Kisar Trade” МЧЖ** (СТИР 306888726) нисбатан тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топилди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Шараев Улуғбек Алишерович тайинланган.

“Kisar Trade” МЧЖнинг муҳри собиқ бошқарув органи томонидан тугатиш бошқарувчисига топширилмай йўқотилганлиги боис 2023 йил 25 декабрь кунидан ушбу жамиятнинг муҳри бекор ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Телефон: 99-402-77-62.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан қуйидаги МЧЖларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши кўзғатилиб, тугатишга доир иш очилди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Рустамқулова Дилафрўз Оқиловна тайинланди.

Т/р	МЧЖлар номи	Иш рақами	Қарор санаси	СТИР	Йиғилиш куни ва соати
1	“Yorqin-Stroy-group” МЧЖ	4-1001-2302/68503	13.12.2023 й.	306 731 691	30.01.2024 й. 12.00
2	“UTA Investment Limited” МЧЖ	4-1001-2302/68504	13.12.2023 й.	307 543 901	30.01.2024 й. 12.00
3	“SH-B-lees” МЧЖ	4-1001-2302/68505	13.12.2023 й.	305 816 450	30.01.2024 й. 12.00
4	“Sales Group AFA” МЧЖ	4-1001-2302/68506	13.12.2023 й.	308 355 335	30.01.2024 й. 12.00
5	“Profi-Distribution LLC” МЧЖ	4-1001-2302/68507	13.12.2023 й.	305 578 226	30.01.2024 й. 12.00
6	“Mirax media group” МЧЖ	4-1001-2302/68508	13.12.2023 й.	307 899 577	30.01.2024 й. 12.00
7	“KQB Bunyodkor” МЧЖ	4-1001-2302/68509	13.12.2023 й.	301 941 062	30.01.2024 й. 12.00
8	“Kim Son trade” МЧЖ	4-1001-2302/68510	13.12.2023 й.	304 169 940	30.01.2024 й. 12.00
9	“Glonas Stroyimpeks” МЧЖ	4-1001-2302/68511	13.12.2023 й.	300 260 856	30.01.2024 й. 12.00
10	“Gammi food” МЧЖ	4-1001-2302/68512	13.12.2023 й.	301 207 017	30.01.2024 й. 12.00
11	“Cheap cement” МЧЖ	4-1001-2302/68514	13.12.2023 й.	305 766 729	30.01.2024 й. 12.00
12	“Boss baby” МЧЖ	4-1001-2302/68515	13.12.2023 й.	305 823 815	30.01.2024 й. 12.00
13	“Bobo sof invest” МЧЖ	4-1001-2302/68516	13.12.2023 й.	306 174 697	30.01.2024 й. 12.00
14	“Bi Fei textile” МЧЖ	4-1001-2302/68517	13.12.2023 й.	305 909 968	30.01.2024 й. 12.00
15	“Bella effekt” Х/К	4-1001-2302/68518	13.12.2023 й.	302 770 648	30.01.2024 й. 12.00
16	“Bears SBD” МЧЖ	4-1001-2302/68519	13.12.2023 й.	307 133 944	30.01.2024 й. 12.00
17	“Avto max industry” МЧЖ	4-1001-2302/68520	13.12.2023 й.	305 788 692	30.01.2024 й. 12.00
18	“Aspiration med” МЧЖ	4-1001-2302/68521	13.12.2023 й.	307 185 500	06.02.2024 й. 12.00
19	“Applemax” МЧЖ	4-1001-2302/68522	13.12.2023 й.	306 134 872	06.02.2024 й. 12.00
20	“Al-Sayid-Hadya” МЧЖ	4-1001-2302/68523	13.12.2023 й.	207 192 678	06.02.2024 й. 12.00
21	“Bussines woman” МЧЖ	4-1001-2302/68524	13.12.2023 й.	307 255 832	06.02.2024 й. 12.00
22	“Construction stroy” МЧЖ	4-1001-2302/68525	13.12.2023 й.	305 314 514	06.02.2024 й. 12.00
23	“HI Tech Development” МЧЖ	4-1001-2302/68526	13.12.2023 й.	305 937 894	06.02.2024 й. 12.00
